

*А. И. Авлакулов*  
*катта ўқитувчи*  
*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*  
*Г. Н. Мусаева*  
*ўқитувчи*  
*Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети*

## **НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТЎҚИМАЧИЛИККА ДОИР ТЕРМИНЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада тўқимачиликка доир терминларининг тил лексик тизимидаги ўрнини аниқлаш, семантик-структур тузилишини тадқиқ қилиш, улардаги вариантлик, маънодошлик, кўпмаънолик муносабатларига ойдинлик киритиш талқин қилинади.

**Калит сўзлар:** семантик-структура; тўқимачилик терминлари; лексикология, лексикография, стилистика, матн тилшунослиги, когнитив тилшунослик; чоғиштирма тадқиқот.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается определить место текстильных терминов в лексической системе языка, изучение их семантической структуры, выяснение в них вариативных, однозначных, многозначных отношений.

**Ключевые слова:** семантическая структура, текстильные термины, лексикология, лексикография, стилистика, лингвистика текста, когнитивная лингвистика, сравнительное исследование.

**Annotation:** This article is considered to determine the place of textile terms in the lexical system of the language, the study of their semantic structure, the clarification of variable, unambiguous, polysemantic relationships in them.

**Key words:** semantic structure, textile terms, lexicology, stylistics, text linguistics, cognitive linguistics, comparative research.

Жаҳон тилшунослиги бугунги кунда тилнинг жамиятда, турли халқлар ҳаётидаги функционал жиҳатларини ўрганишга, унинг психолингвистик, лингвокогнитив, лингвомаданий ва социолингвистик масалаларига асосий эътиборни қаратганлиги билан характерланади. Бу ўз навбатида дунё тиллари қатламларида содир бўладиган ўзаро алоқаларни таъминлашга иштирок этадиган қонуниятларни тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Тил луғат таркибининг мунтазам равишда бойтиб борилиши унинг табиати, кўлами, унга таъсир этувчи омилларнинг роли ва шу каби муаммоларни англаб етиш ва уларга илмий жиҳатдан асосланган ечим топиш заруратини туғдиради. Чет тил сўзларининг ўзлаштирилиш имкониятлари лексикология, лексикография, стилистика, матн тилшунослиги, когнитив тилшунослик сингари йўналишларнинг асосий мавзусига айланди. Айниқса, оммавий ахборот тизими, хусусан, газета матнларига хос ўзлашма лисоний бирликларнинг лингвопрагматик жиҳатларини кўриб чиқиш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек тилшунослигида тўқимачиликка доир терминларининг тил лексик тизимидаги ўрнини аниқлаш, семантик-структур тузилишини тадқиқ қилиш, улардаги вариантлик, маънодошлик, кўпмаънолик муносабатларига ойдинлик киритиш, лексикографик талқин қилиш каби вазифалар тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ихтисослик соҳасида бир қатор, махсус илмий-тадқиқот ишлари, патентлар олиб борилиши, немисча-ўзбекча тўқувчиликка оид уч-тўрт минг сўзли луғатлар ҳисобга олинмаганда, тўқимачилик терминологияси бўйича шарқ ва ғарб тилларида чоғиштирма тадқиқот объекти сифатида махсус иш олиб борилмаган.

Тилшуносликда тўқимачилик соҳасидаги термин танлаш ва қўллаш масаласи нечоғлик долзарб ва аҳамиятга молик бўлса-да, бугунги кунга қадар етарли даражада эътибор қаратилмаган. Тўқимачилик соҳасида қўлланилаётган аксарият атамаларнинг русча эканлиги, мавжуд терминларнинг эса, асосан, калькалаш асосида ҳосил қилинганлиги, терминдаги ноаниқликлар, айрим ҳолларда ўзбек тилида мукамал ифода воситалари бўлишига қарамай, рус тили орқали ўзлашган терминларнинг кўплаб қўлланаётганлиги, соҳага доир терминологик луғатларнинг мавжуд эмаслиги тўқувчилик терминларининг тил лексик тизимидаги ўрнини аниқлаш, семантик-структур тузилишини тадқиқ қилиш, терминлардаги вариантлик, маънодошлик, кўпмаънолик муносабатларига ойдинлик киритиш, лексикографик талқин қилиш [3; 48 б.] каби қатор муаммоларни кун тартибига қўяди.

Немис тили тўқимачиликка оид терминларнинг аффиксация усули (префиксация, суффиксация, циркумфиксация) орқали ҳосил бўлиши ва бойиб бориши ўрганилган. Умуман, немис тили тўқувчиликка оид терминларининг шаклланиши ва ясалишининг қуйидаги асосий турлари мавжуд: 1) аффиксация; 2) композиция; 3) семантик (семантик-синтактик); 4) конверсия; 5) акроним ва аббревиатуралар.

Айтиш мумкинки, аффиксация усулида лексемалар маълум қўшимчалар ёрдамида ифодаланади. Бу билан тилшунос олим морфологик ифодаланиш ғоясини илғор сурган бўлса ажаб эмас. “ Префикс ва суффикслар морфологик нуқтаи назардан сўз ясовчи элементлар ҳисобланади, ёрдамчи морфемалар, сўз ясовчи формантлар ўзларида тилнинг энг кичик (минимал) сўз ясовчи, қурилиш элементларини акс эттиради: *winterliche Feuchtigkeit von Speicherung; Faseresabschlagen; in der industriellen Herstellung von Kleidung; syntheschefaser; Synthefaserstoffen; polyamidseide* ва шу кабилар.

Немис тили тўқимачилик терминларининг ясалиш жиҳатларидан фарқли томонлари, сўз бирикмали терминлар таржимасида ҳам, *-ли, -чи, -и, -лик, -гар, -дор, -чи* сўз ясовчи қўшимчалари ўзбек тилига таржима қилинган тўқимачиликка оид терминологик бирликлар тизимида актив қўлланилади [5; 102 б.]. Масалан: *lang/mittel/kurzstapilige Baumwolle* – узун/ўрта/қисқа толали пахта; *natürlich gewachsener Zellulose* – табиий ўсувчи целлюлоза; *tierischen Wollhaare* – ҳайвон юнги/мўйнаси; *Baumwollprodukte* – пахтали маҳсулотлар/кийим кечаклар ва ҳ.

Немис тилидаги *-isch, -ig, -lich, haft* ва шу каби қўшимчалар ўзбек тилида ҳаракат номи ҳамда сифат ясовчи вазифадаги *-ли, -и (иш)* қўшимчасига тўғри

келиб, тўқимачилик терминологик тизимда энг фаол термин ясовчи кўшимча вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, *-isch, -ig, -lich, haft* суффиксларини ўрганиш ўзбекча *-ув* ва *-ов* кўшимчалари тўқимачилик терминологиясида ўз вазифасидан узоклашиб, феъл сўз туркумидан ҳаракат номи шаклини ясовчи хусусиятини ўзига тўлиқ ўзлаштириб олганлигини кўрсатди. Масалан: *gestrickten Fasern* – *чўзилувчан тола*, *Baumwollgesponnen* – *пахтанинг йиғирилиши*, *Warmeleitfähigkeit* – *иссиқни ушловчи/иссиқ тутувчи*, ... ўлчов каби терминлар ана шу кўшимчаларнинг маҳсулидир.

Шуни айтиш ўринлики, якка ва жуфт компонентли терминлардан ташқари таржимада изофали, сўз бирикмали, префикс ва суффикслар ёрдамида ясалувчи терминларнинг кенг тарқалгани кузатилади. Терминларнинг кўшма ва бирикма шаклда ясалиши кузатилгани қуйидагича моделлаштирилди [2; 12 б.]. *Nomen+Adjektiv=adj*; *Adjektiv+Nomen*; *Partizip I/II+Nomen*; *gestrickten Fasern* – *узаладиган тола*; *Synthesefaserstoffen* – *синтетик толали материал*; *polyamidseide* – *полямид унак*; *Glänzfärbegestoffe* – *ялтирайдиган рангли/ялтироқ рангли тўқима*; *gewacksender Zellulose* – *ўсувчи целлюлоза*; *Versponnenstoffe* – *йиғирилган тўқима* шулар жумласидандир.

Шу жумладан, терминлар таржимасида учрайдиган тўқувчиликка доир терминлар ясалиш жиҳатдан ўзбек тилидан тафовут қилиши сифат+от, от+сифатдош I, от+сифатдош II, от+равиш, raviш +от, феъл +от ёрдамида ясалиши кузатилади [4; 94 б.].

Таржима жараёнида немис тили тўқувчиликка оид терминологик тизимига хос бўлган конверсия ҳодисаси таъсирида сўзларнинг лексик шакли ва талаффузи ўзгаришсиз қолади. Бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтишидаги ўзаро муносабатлар *V+N* моделига мувофиқ (дериватив ҳолат) феъл сўз туркумидан отлашган сўзлар, ўзак феъл морфемик қобиғи билан талқин этилади. Сўзларни туркумларга ажратишдаги бундай қийинчилик таржимон эътибор марказида бўлиши адекват (мос) таржима қилишга замин яратади.

Немис тилшуноси Е. Вуйстер немис тили тўқувчиликка оид терминологиясида конверсиянинг юзага келишини, маълум бир туркумга мансуб лексеманинг аташ маъноси кучсизланиб, бошқа сўз туркумига хос маъновий ва синтактик белгига эга бўлиши соҳа терминлари қўлланилган матнлар таржимасидаги мураккаб ва чалкаш ҳолатлар, жумладан: омоним шаклли лексемалар бирдан ортиқ сўз туркумига мансуб бўлиши; сўз мавжуд битта маъноси ёки маъносидан бири билан бир туркумдан иккинчисига кўчиши; сўз туркуми бир-бирининг вазифасини бажариб туришини эътироф этади [6; 117 б.].

Бизнинг фикримизча, сўз нутқ жараёнида ўз вазифасини бажара туриб, вақтинча яна бир сўз туркуми вазифасини ҳам зиммасига олиши кабилар билан изоҳланади.

Демак, юқоридагилардан кўринадики, конверсия ҳодисаси таъсирида лексемалар янги парадигма ҳосил қилиб, таржимада бошқа лексик маъно ифодаланиши кузатилади. Бу ҳол терминологик тизимнинг такомиллашувига олиб келади. Ушбу ҳодиса таъсири остида ясалган немис тили тўқувчиликка оид терминлари ўзбек тилига нисбатан кўп учраши кузатилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, немис ва ўзбек тилларидаги тўқувчиликка доир терминологиясини қиёслаш икки тилдаги тўқувчилик терминларнинг умумий ва ўзига хос белгиларини аниқлаш имконини бериш билан бирга, ҳар икки терминологик тизимни чуқур ўрганиш имконини ҳам яратади. Шунингдек, терминологик фаолиятни таққослаш жараёнида пайдо бўладиган мураккабликлар нафақат алоҳида тилларнинг ўзига хослиги, балки терминларнинг миллий тиллар тизимидаги алоҳида ўрни билан боғлиқлигини ҳам кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Байманов Ҳ.А. Инсон характерга хос сифат лексемаларнинг семантик таснифи (немис ва ўзбек тиллар мисолида)//Ўзбекистонда хорижий тиллар (илмий-методик электрон журнал) [www.journal.fledu.uz](http://www.journal.fledu.uz). № 2(21)2018.
2. Ларькова Л.Ф. Межъязыковые семантические корреляции слов-терминов родственных языков (на материале немецкой терминологии по современной радио- и электропроводной связи в сопоставлении с английской) Дис. канд. ... филол. наук. – Киев, 1984;
3. Лейчик, В.М. Терминоведение: Предмет, методы, структура. – М.: Ком-Книга, 2006.
4. Усмонов А.Н. Ўзбек тилида термин ясовчи фаол аффикслар. – Т., 1991.;
5. Baumann, Carolin ; Dabóczy, Viktória ; Hartlmaier, Sarah Berlin, Die textile Welt im Fokus Werkstoffkunde// Boston, Berlin. 2018. – P. 219.
6. Wüster E. Internationale Sprach normung in der Technik, besonders in der Elektrotechnik (International Standardization of Language in Engineering, especially in Electrical Engineering). – Bonn, 1970.
7. Avlaqulov Avazjon Ismoilovich \\\Актуальной филологии научный журнал \\\METHODS OF TEACHING ENGLISH AT THE TEXTILE INSTITUTE\\ 2021.
8. Baymanov Habibullo Abdullayevich, Avlakulov Avazbek Ismoilovich, Sattorova Sattorova Tojimatovna, Raximov Fazliddin Rustamovich, Qalandarova Sofiya Toxirovna, Sattorov Hayrulla Razzoqovich//Italiya. Philosophical Readings//Realization of color-expressive quality lexemes in phraseology (on the example of German and Uzbek languages)// XIII.4 (2021), pp. 1849-1858. 1849